

КУН МАВЗУЛАРИ

Ўзбекистоннинг давлат қарзи \$48 миллиарддан ошди. Аммо умумий қарз юки анча катта

дақиқа аввал



Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев. Тошкент, 2022 йил 30 январь. Архив сурати.

Ўзбекистоннинг давлат қарзи 2026 йил 1 июль ҳолатига 48,3 миллиард долларга етди. Бу 2019 йилдан бери қарзнинг номинал ҳажми қарийб уч баравар кўпайганини англатади. Янги рақамлар мамлакат аслида қанча қарздор экани ва олинган маблағлар қай даражада шаффоф сарфланаётгани ҳақидаги саволларни яна кун тартибига чиқарди.

"Давлат қарзи" деганда ҳукумат олган ёки давлат кафолат берган ташқи ва ички қарзлар тушунилади. Бу сумма давлатнинг хорижий кредиторлар олдидаги қарзлари билан бирга, мамлакат ичида облигация ва бошқа воситалар орқали жалб қилган маблағларини ҳам қамраб олади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг сўнгги маълумотларига кўра, давлат қарзи иккинчи чоракнинг ўзида 1,3 миллиард долларга, 2026 йил бошидан бери эса қарийб 1,5 миллиард долларга ошган.

Жами қарзнинг 40,7 миллиард доллари давлат ташқи қарзи, яъни ҳукумат ва давлат кафолати остида хориждан олинган маблағлардир. Қолган 7,6 миллиард доллар ички қарзга тўғри келади. Вазирлик давлат қарзининг ялпи ички маҳсулотга нисбатини 27 фоиз деб кўрсатган.

Аммо 48,3 миллиард доллар Ўзбекистоннинг бутун ташқи қарзи эмас.

Марказий банкнинг ҳозирча энг сўнгги шарҳига кўра, мамлакатнинг ялпи ташқи қарзи 2026 йил 1 апрель ҳолатига 82,2 миллиард доллар бўлган.

"Ялпи ташқи қарз" — Ўзбекистон ҳукумати, банклари ва корхоналарининг мамлакат ташқарисидagi кредиторлар олдидаги жами қарзи. Бу кўрсаткич давлат қарзидан кенгрок.

Марказий банк ҳисобидаги 82,2 миллиард долларнинг қарийб 40,5 миллиард доллари давлат ташқи қарзи, 41,7 миллиард доллари эса корпоратив ташқи қарздир.

Корпоратив қарз компаниялар ва банклар, жумладан айрим давлат корхоналари томонидан давлатнинг расмий кафолатисиз олинган ташқи қарзларни англатади. Давлат кафолатисиз олинган бундай қарзларни ҳукумат қонунан тўлашга мажбур эмас. Аммо йирик давлат корхонаси ёки банки қарзини тўлай олмай қолса, уни қутқариш учун ҳукумат бюджет маблағи билан аралашиш босими остида қолиши мумкин.

Демак, 48,3 миллиард ва 82,2 миллиард долларлик рақамларнинг ҳар иккиси расмий. Лекин улар турли мажбуриятларни ҳисоблайди ва турли саналардаги ҳолатни акс эттиради.

ҲАР БИР ФУҚАРОГА ҚАНЧАДАН?

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига асосланган ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистоннинг доимий аҳолиси 2026 йил 1 июль ҳолатига қарийб 38,5 миллион кишини ташкил этган.

48,3 миллиард долларлик давлат қарзини аҳоли сонига бўлганда, ҳар бир доимий аҳолига ўртача 1 254 доллардан тўғри келади. Фақат давлат ташқи қарзининг ўзи ҳар бир аҳоли ҳисобига қарийб 1 057 долларни ташкил қилади.

Марказий банкнинг 82,2 миллиард долларлик кенгроқ кўрсаткичи ва 1 апрелдаги аҳоли сони асосида ҳисоблаганда эса ялпи ташқи қарз аҳоли жон бошига қарийб 2 142 доллардан тўғри келади.

Бу ҳисоб-китоблар қарз кўламини кўрсатиш учун келтирилмоқда. Улар ҳар бир фуқаро шахсан шунча пул қарз дегани эмас.

Қарз тўплаш 2017 йилдан кейин тезлашди

Шавкат Мирзиёев 2016 йилда президентликка келгунга қадар ҳам Ўзбекистоннинг ташқи қарзи бор эди. Аммо ҳозирги тез ўсиш 2017 йилда валюта бозори эркинлаштирилиши ва иқтисодиёт хорижий сармоя ҳамда қарзлар учун очилиши ортидан бошланди.

ХВЖ маълумотига кўра, 2017 йилда давлат ва давлат кафолатидаги қарзнинг ЯИМга нисбати қарийб икки баравар ошиб, 19 фоизга яқинлашган.

Бунинг бир қисми сўмнинг кескин қадрсизланиши билан боғлиқ. Сўм арзонлашганда доллар ва бошқа хорижий валюталарда олинган аввалги қарзларнинг сўмдаги қиймати кескин ошган.

Кейинчалик ҳукумат ташқи қарз олишни кенгайтирган. Бу қарз иқтисодий ислохотлар, инфратузилма ва давлат бошчилигидаги инвестиция дастурларини молиялаштириш зарурати билан изоҳланди.

2019 йил феврилида Ўзбекистон илк бор халқаро суверен облигациялар бозорига чиқиб, бир миллиард долларлик еврооблигациялар жойлаштирди.

"Суверен еврооблигация" — давлатнинг халқаро молия бозорида хорижий сармоядорларга сотадиган қарз қоғози. Номи "евро" бўлса-да, у фақат евро валютасида чиқарилади дегани эмас. Ўзбекистоннинг биринчи облигациялари долларда бўлиб, беш ва ўн йиллик муддатга чиқарилган.

ХВЖ маълумотига кўра, давлат ва давлат кафолатидаги қарз 2018 йил охиридаги 9,9 миллиард доллардан 2020 йил охирига келиб 21 миллиард долларга етган.

2019 йилнинг ўзида ҳукумат ташқи давлат қарзлари доирасида 6,3 миллиард доллар ўзлаштирган. Шундан 4,4 миллиард доллари лойиҳаларни молиялаштиришга, 1,8 миллиард доллари бюджетни қўллаб-қувватлашга сарфланган. Бу маблағ таркибига Ўзбекистоннинг биринчи еврооблигациялари ҳам кирган.

COVID-19 пандемияси пайтида ташқи қарз олиш яна тезлашди. ХВЖ Ўзбекистонга 375 миллион долларлик фавқулодда **молия ажратди**. Жаҳон банки соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя чоралари учун 95 миллион долларлик кредитни тасдиқлади. Бошқа халқаро институтлар ҳам қўшимча маблағ ажратди.

Сўнгги йилларда давлат қарзи қуйидагича ўсган:

- 2019 йил — 17,8 миллиард доллар, йиллик ўсиш 19,4 фоиз;
- 2020 йил — 23,4 миллиард доллар, йиллик ўсиш 31 фоиз;
- 2021 йил — 26,3 миллиард доллар, йиллик ўсиш 12,6 фоиз;
- 2022 йил — 29,2 миллиард доллар, йиллик ўсиш 11 фоиз;
- 2023 йил — қарийб 34,9 миллиард доллар, йиллик ўсиш 19,5 фоиз;
- 2024 йил — 40,2 миллиард доллар, йиллик ўсиш қарийб 15,2 фоиз;
- 2025 йил — 46,9 миллиард доллар, йиллик ўсиш 16,5 фоиз;
- 2026 йил июнь охири — 48,3 миллиард доллар, йил бошидан бери ўсиш қарийб 3,1 фоиз.

Вазирликнинг сўнгги йиллардаги услубига яқин рақамлар асосида ҳисоблаганда, 2019 йил охиридан 2026 йил июнь охиригача Ўзбекистоннинг давлат қарзи номинал ҳисобда қарийб 171 фоизга ошган.

Ташқи давлат қарзининг ярми бюджетга сарфланган

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига кўра, 40,7 миллиард долларлик давлат ташқи қарзининг тенг ярми — қарийб 20,5 миллиард доллар — бюджетни қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилган.

Яна 5,5 миллиард доллар ёқилғи-энергетика соҳасига, 3,3 миллиард доллар қишлоқ ва сув хўжалигига, қарийб 3 миллиард доллар транспортга, тахминан 3,4 миллиард доллар уй-жой ва коммунал инфратузилмага йўналтирилган.

Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки Ўзбекистоннинг энг йирик институционал **кредиторлари бўлиб қолмоқда**.

Ташқи қарзнинг бюджетни қўллаб-қувватлаш учун ишлатилиши ошиб бораётгани алоҳида эътибор талаб қилади.

Муайян электр станцияси, сув тармоғи ёки темир йўлга боғланган кредитни кўзга қўринадиган объект, унинг қиймати ва натижаси билан солиштириш мумкин.

Умумий бюджетни қўллаб-қувватлаш учун олинган қарзни қузатиш қийинроқ. Чунки у инвестиция, субсидия, давлат хизматлари ва бюджет тақчиллигини қоплаш каби турли харажатларга сарфланиши мумкин.

Расмийлар қарзларни қандай оқламоқда?

Мирзиёев 2022 йилда ташқи қарз бўлмаганида метро қуриш ва тиббиёт ходимлари ҳамда ўқитувчилар маошини ошириш имкони бўлмаслигини айтган.

"Авваламбор, бизнинг ҳамма қарзимиз қонун нуқтаи назаридан... Агар бу бўлмаганида, ойлик ҳам, метро ҳам бўлмас эди. Тиббиёт ходимлари ёки муаллимларнинг ойликлари ошмас эди. Ўтираверар эдик, аввалгидек қарсак чалиб, баландпарвоз гап гапириб. Бу эса менга ёқмайди", деган президент.

Марказий банкнинг амалдаги раиси Тимур Ишметов 2025 йил октябрида ташқи қарз олишни бюджет тақчиллиги билан боғлаб, мамлакат қарзини "барқарор ва мувозанатли" деб баҳолаган.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазир Лазиз Қудратов узоқ муддатли, паст фоизли кредитларни "аслида текин пул" деб атаган. Унинг айтишича, айрим кредитлар 20 йилдан 45 йилгача муддатга жалб қилиниб, йўллар, электр ва сув тармоқлари, мактаблар ҳамда шифохоналар қуришга сарфланади. Қудратов фақат бюджет имкониятларига таянилса, зарур инфратузилмани барпо этишга ўнлаб йил кетишини айтган.

Бу баёнотлар ҳукуматнинг қарз олиш сиёсатини қандай изоҳлаётганини кўрсатади. Аммо улар ҳар бир қарз ҳисобига молиялаштирилган лойиҳа етарли иқтисодий самара бергани ёки ҳар бир доллар самарали сарфланганини мустақил равишда тасдиқламайди.

Сарлавҳадаги рақамдан ташқарида қолган мажбуриятлар

Ўзбекистон давлат секторининг барча ҳозирги ва эҳтимолий мажбуриятларини бир жойда кўрсатадиган ягона очиқ рақам мавжуд эмас.

Расмий давлат қарзи ҳисоботига давлат корхоналарининг кафолатсиз қарзлари ҳамда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларидан келиб чиқиши мумкин бўлган айрим бевосита ва шартли мажбуриятлар кирмайди.

"Давлат-хусусий шериклик" ёки ДХШ — давлат ва хусусий компания ўртасидаги узоқ муддатли келишув. Одатда хусусий компания электр станцияси, йўл, шифохона ёки бошқа объектни қуриб, бошқаради. Давлат эса унга тўлов, даромад кафолати ёки бошқа молиявий мажбурият олиши мумкин.

"Шартли мажбурият" ҳукумат ҳозир тўлаши шарт бўлмаган, аммо муайян муаммо юз берса давлат зиммасига тушиши мумкин бўлган харажатни англатади.

ХВЖ ҳисоб-китобига кўра, давлат корхоналарининг давлат кафолатисиз олган қарзлари 2025 йил охирида ЯИМнинг тахминан 15 фоизига тенг бўлган ва умумий ташқи қарзнинг 27 фоизини ташкил этган.

ХВЖ Ўзбекистондаги ДХШ лойиҳалари портфелининг номинал қийматини ЯИМнинг қарийб 24 фоизи деб баҳолаган. Уларнинг тахминан 93 фоизи энергетика лойиҳаларига тўғри келади.

Бу сумманинг ҳаммаси давлат қарзи эмас. Аммо стратегик аҳамиятга эга давлат корхонаси ёки ДХШ лойиҳаси ўз мажбуриятларини бажара олмаса, ҳукумат уни молиявий қўллаб-қувватлаш босими остида қолиши мумкин.

Ўзбекистон Хитой қарзига ботяптими?

Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2026 йил биринчи ярим йиллиги бўйича маълумотига кўра, Ўзбекистоннинг Хитой давлат молия институтлари — Хитой Эксимбанки, Хитой тараққиёт банки ва бошқа тузилмалар олдидаги давлат ташқи қарзи 3,886 миллиард долларни ташкил этган.

Бу 48,3 миллиард долларлик жами давлат қарзининг 8 фоизидир.

Хитой шу тариқа Ўзбекистоннинг йирик икки томонлама кредитори бўлиб қолмоқда. Аммо у мамлакатнинг энг катта кредитори эмас.

Аммо тўлиқ рақам очиқ эмас. 3,886 миллиард доллар фақат ҳукумат олган ёки давлат кафолат берган, расмий давлат ташқи қарзи таркибидаги Хитой кредитларидир.

Марказий банк 41,7 миллиард долларлик корпоратив ташқи қарзни кредитор давлатлар бўйича очиқламайди. Шу сабабли қуйидагиларнинг Хитой банклари ва

компаниялари олдидаги жами мажбуриятлари қанча эканини расмий очиқ жадвалдан аниқлаб бўлмайди.

Қарз ва коррупция хавотирлари

Қарзларнинг тез кўпайиши бу маблағлар ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳалар рақобат асосида танланяптими, нархлари тўғри белгиланяптими ва коррупциядан етарлича ҳимояланганми, деган саволларни ҳам кучайтирмоқда.

Ўзбекистоннинг бутун ташқи қарз портфели коррупцияга алоқадор эканини кўрсатувчи далил йўқ.

Бироқ расмий аудитлар ва халқаро баҳолар исрофгарчилик, манфаатлар тўқнашуви ва лойиҳа нархларини сунъий ошириш хавфини кучайтирадиган заифликлар борлигини кўрсатади.

ХВЖ Ўзбекистонда давлат инвестицияларини бошқариш тизими турли идоралар ва молиялаштириш манбалари ўртасида бўлиниб қолганини қайд этган.

Инвестиция лойиҳаларининг ягона рўйхати йўқ.

Ягона рўйхатнинг йўқлиги парламент, журналистлар ва жамоатчилик учун нима сабабдан бир лойиҳа бошқасидан устун қўйилгани, унинг қиймати қандай ҳисоблангани ва арзонроқ муқобил вариантлар кўриб чиқилган-қилинмаганини аниқлашни қийинлаштиради.

[Transparency International](#) ташкилотининг 2025 йилги Коррупцияни қабул қилиш индексида Ўзбекистон 100 баллдан 31 балл тўплаб, 182 давлат орасида 124-ўринни эгаллади. Мамлакатнинг баҳоси бир йилда бир баллга пасайган.

Индекс экспертлар ва бизнес вакиллариининг давлат секторидаги коррупция ҳақидаги тасаввурларини ўлчайди. У ташқи қарзнинг қанча қисми ўзлаштирилганини ҳисобламайди ва муайян лойиҳада қонунбузарлик бўлганини исботламайди.

Шунга қарамай, бу кўрсаткич давлат бошчилигидаги инвестициялар ҳажми ошиб бораётган бир пайтда институционал бошқарув ва коррупция билан боғлиқ хавотирлар сақланаётганини кўрсатади.

Паст хавф — хавф умуман йўқ дегани эмас

ХВЖ ҳозирча Ўзбекистонда давлат ва ташқи қарзни тўлашда жиддий қийинчиликка учраш хавфини паст деб баҳоламоқда.

Жамғарма буни қарзларни қайтариш муддатлари узоқлиги, халқаро ва икки томонлама кредитларнинг катта қисми имтиёзли шартларда олингани, иқтисодиётнинг номинал ўсиши юқорилиги ва халқаро захиралар етарли экани билан изоҳлайди.

Аммо "паст хавф" мамлакатда заиф нуқталар йўқлигини англатмайди.

Давлат ташқи қарзининг ярми бюджетни қўллаб-қувватлашга сарфланган.

Қарзнинг катта қисми хорижий валютада.

Ўзбекистон сўнгги йилларда олтин нархининг юқорилигидан ҳам фойда кўрди.

Ўзбекистон учун асосий савол мамлакат қанча қарздор экани эмас. Муҳимроқ савол — мамлакат бу қарзлар эвазига нима олди ва келажакда нима олади?